

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

20.12 йил "05" январь

15 - сонли

Қоровулбозор т.

Қоровулбозор электр тармоқлари корхонаси ( кейинги ўринларда "Қорхона" деб юритилади ) узининг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б.Аслонов бир тарафдан ва Қоровулбозор туман хокимлиги (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) узининг низоми асосида фаолият кўрсатувчи хоким 1- уринбосари Г.Ниёзов иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1.1 Ушбу шартнома билан Қорхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда "Энергия" деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2 Уланган қуввати 75 0кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юклагани соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал қувват (кейинчалик "Қувват") учун ҳақ тўлайди.

### II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 7992 кВт.с. ни ташкил қилади.

2.2 Шарнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи 3598650 сўмни, Қувватнинг нархи 450 сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қилади.

Шундан, маблағлари  
ҳисобидан 3598650 / ул мисолда босилган бу к сав сав маблағлари  
Бюджетдан ташқари  
ҳисобидан оғи су элеси маблағлар

2.3 Қорхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.

2.4 Қорхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Қорхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Қорхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олиниши, давлат қиёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Қорхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 7992 кВт.с.ни ташкил қилади.

### III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Қорхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Қувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)